

СОЛИҚ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ

Тўхсанов Қудратилло Нозимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти, PhD, доцент

Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларда рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими ҳисобланади. Бу атама илк бор 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте томонидан амалиётга киритилган. Янги технологиилар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш, уларни қундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга ўтказишида рақамли технологияларнинг ўрни бекёсdir.

Шу боис Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори³³да ҳам “Raқамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, солик соҳасида ҳам юридик шахсларнинг солик тушумларини таҳлил қилиш, солик тўловларидағи тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар соғлиқни сақлаш, транспорт, мудофаа ва миллий хавфисзлик каби кўплаб соҳаларда сунъий интеллект афзалликларидан фойдаланиб келмоқда. PricewaterhouseCoopers (PwC) консалтинг компанияси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, глобал сунъий ақл 2030 йилга келиб жаҳон иқтисодиётига 15,7 миллиард триллион АҚШ долларимиқдорида ҳисса қўшиши кутилмоқда. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотини 26 фоизга ўсишига олиб келади³⁴.

Хорижда сунъий интеллект технологиясини ўз солик тизимида қўллаётган мамлакатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Дания 2018 йилда солик тўлашдан бўйин товлаш натижасида қарийб 325 миллион АҚШ доллари зарар кўрган. Мамлакат ҳукумати сунъий ақл воситаларини ўз солик тизимига татбиқ этиши натижасида соликларни тўлашдан бўйин товлашнинг ҳар 100 ҳолатидан 85 тасини муваффақиятли аниқлади. Шунингдек Хинди斯顿 ҳукумати соликларни тўлашдан бўйин товлаш билан курашиш ва сохта фирмаларни аниқлаш учун сунъий ақл воситасидан фойдаланишга киришган етакчи мамлакатлар қаторида туради.

Солик маъмурчилигига сунъий ақлни жорий этилиши қўйидаги афзалликларга эга бўлиш имкониятини беради. Жумладан, айни кунда солик тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш. солик идоралари солик аудити жараёнида фирибгарликни аниқлашга ҳаракат қилишади. Ҳужжатлар тўпламидан аниқ маълумотларни топиш бу пичан ичидан игна қидириш каби заҳматни талаб қиласди. Аслида алгоритмларидан фойдаланиб, катта микдордаги маълумотларда ноодатий ёзувларни аниқлай оладиган, сунъий ақлни қўллаб-куvvatлайдиган тизимларни яратиш мумкин.

Рақамли иқтисодиётни фақатгина товарлар ва хизматлар билан чеклай олмаймиз. Электрон хужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги ҳам унинг белгиларидан биридир. Амалдаги Солик кодексида ҳам бундан буён бухгалтерлик ҳисоб-

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

³⁴ Ж.Байкаланов. Рақамли технологиялар имкониятлари. Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил 19 май .

китоблари электрон ҳисоб-фактуралар орқали қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб барча турдаги ҳисоб-китоблар айнан электрон тарзда қабул қилинади. Жумладан, 2020 йил 1 январдан бошлаб товарларни (хизматларни) сотишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварак-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши шарт.

Бундай тартиб онлайн касса аппаратларидан фойдаланишда ҳам қўлланилади. Бу турдаги касса аппаратлари савдо нуқтаси ва солиқ идораси ўртасидаги интеграциялашган тизим орқали транзакцияни қайд этиб боради. Натижада “ақлли” касса аппарати орқали қайд этиб борилган барча операцияларни онлайн кузатиш имкони яратилади.

Президентимиз бу йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ҳақида сўз юритиб, жумладан шундай деди: “Рақамли технологиилар нафақат маҳсулотлар ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласидиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишида ҳам улар самарали воситадир”. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири деб эълон қилинди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали энг аввало хуфёна иқтисодиётга чек қўйилади. Транзакциялар рақамли шаклда амалга оширилганда уларни бошқариш осон бўлади. Харидор ва сотовучи ўртасидаги ҳар қандай тўловлар расмийлаштирилади. Шу йўл билан ғайриқонуний транзакцияга чек қўйилади. Нақд пул шаклидаги транзакцияларни чеклаган ҳамда факатгина электрон тўловларни амалга оширган ҳолда хуфёна иқтисодиётга барҳам берилиши мумкин. Бундай тўловлар ўз навбатида, солиқ тушумларининг ортишига олиб келади. Чунки рақамли шаклда амалга оширилган ҳар бир транзакция қайд этиб борилади.

Мамлакатимизда солиқ тизимида электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилишни такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Давлат солиқ қўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фоиз банд. Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскирганлиги ҳамда электрон ҳисобварак-фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги холатлари юзага келиб турибди. Бу борада сунъий ақл ва катта ҳажимли маълумотлар технологияларини жорий этиш қўл келади.

Умуман олганда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан кучли, бозор иқтисодиёти қонунлари тўлиқ амал қиласидиган демократик давлат қуришга ҳамда мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг қулайлик яратиш ва уни юритишни соддалаштириш, янги инновацион ғоялар реализациясига хизмат қилувчи асосий воситалардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир.